

**УДК-712 25 (1-101)**

**УМУМИЙ ФОЙДАЛАНУВЧИ КЎКАЛАМЗОРЛАР  
ЛАНДШАФТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ПРИНЦИПЛАРИ**

Имомов М., Каримов У.Н., Нарзиева К.К.

ўқитувчилар СамДАҚИ

*Уибу мақолада умумий фойдаланувчи кўкаламазорлар ландшафтини шакиллантириши тамойиллари, экологик хусусиятлари, асосий вазифалари ва замонавий анаъаналарини шакллантириши масалалари тадқиқ қилингандан*

*В данной статье исследованы принципы формирования озеленения ландшафта общего пользования их экологические особенности, основные задачи и проблемы формирования современных тенденций*

Экиладиган ўсимликларнинг барча имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун уларни танлашда қўйидагича асосий тамойилларга риоя қилмоқ зарур:

-танланаётган ўсимликларнинг кўкаламзорлаштирилаётган очик муҳит-масканнинг функцияйий мақсадларига мос келиши. Масалан, кўчанинг йўлак (тротуар) қисмидаги кўкаламзорга экиладиган ўсимликлар энг аввало йўлак бўйлаб соя-салқин ҳосил қилувчи ва жозибали манзара бериши шарт. Айни пайтда улар автомобиллардан чиқаётган газларга, чанг ва шовқинга чидамли бўлиши ҳам зарур. Демак, йўлак учун ташки кўриниши кенг, япроқ ва шохлари тифис жойлашган, газ, чанг ва шовқинга чидамли дарахтлар танланиши керак;

-бирон-бир монумент ёки маъмурий ёдгорлик атрофидаги текис саҳнли скверни кўкаламзорлаштириш учун эса аксинча, асосий яшил материал бўлиб, партер типидаги манзарали майса ёки гул ўсимликлари айрим пастқам буталар билан қўшиб танланиши мумкин.

*Ўсимликлар экологик хусусиятларининг улар ўтқазиладиган мұхит  
шароитларига мос келиши*

Ўтқазиладиган жойда олдиндан мавжуд бўлган декоротив дараҳтларга (агар улар қолдирилса) янги танланадиган ўсимликларнинг мос келиши ёки танлананаётган дараҳт ва буталарнинг бир-бирига ўзаро биологик ҳамжихатлиги, яъни бири иккинчисининг ўсишига зарар етказмаслиги масалалариға қараб чиқилиши шарт[2].

*Умумий фойдаланувчи қўкаламзорлар тизимини лойиҳалаш ва ташкил этишида қуийидагича асосий тамойилларга амал қилмоқ керак:*

- ҳудуд бўйлаб йирик яшил қўкаламзорларни teng маромда тақсимлаш ва жойлаштириш. Мазкур талаб энг аввало умумий фойдаланишга мўлжалланган қўкаламзорларга тааллуқлидир;

-яшил қўкаламзорлар тизимининг ҳудуди бўйича узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш.

Ушбу тамойил боғ ва паркларнинг яшил ҳудудини бир-бирига қўкаламзор хиёбонлар, қўчалар йўлаклари ва соҳиллар ёрдамида боғлаб, уларнинг яхлит қўкаламзор узлуксиз умумий тизимини яратиш орқали амалга оширилади;

- аҳоли пункти ички ва ташқарисида жойлашган қўкаламзор яшил ҳудудларни бир-бирига боғлаш ва ягона комплекс ечимга келтириш. Мазкур талабга аҳоли пункти ичидаги яшил ҳудудларни функционал ва композициявий жиҳатлардан унинг ташқарисида жойлашган яшил масканлар ва рекрияцион боғ-роғларни шакллантириш орқали эришилади.

*Кўкаламзорлар тизимини ташкил этиши ва лойиҳалашда қуийидаги уч асосий вазифани ҳал этиши зарур:*

-функционал вазифаси: турли мақсадларга мўлжалланган қўкаламзор қишлоқ ҳудудларини ташкил этиш, шу жумладан аҳолининг қулай дам олиши учун боғ-парклар ва бошқа яшил мұхитлар тизимини яратиш;

-санитария-гигиеник вазифаси: аҳоли пункти мухитининг экологиясини соғломлаштириш ва микроиқлимини яхшилаш;

-меъморий-бадиий вазифаси: аҳоли пунктининг бадиий жиҳатдан яхлит ва эстетик жозибадор бўлган архитектуравий-ландшафт мухитини ташкиллаштириш ва шакллантириш.

### *Кўкаламзорларни шакллантиришининг замонавий анъаналари*

Кўкаламзорлар тизимининг энг йирик элементи бу, албатта, боғпарклар саналади.

Кўкаламзорлар тизими элементларига юқоридагилардан ташқари яна шаҳар майдонлари, хиёбонлар (аллея, бульвар, скверлар), пиёда йўллар ва соҳиллар бўйлаб жойлашган боғлар ҳам киради. Бу элементларнинг бўлиш-бўлмаслиги умумий фойдаланувчи кўкаламзорлар ландшафтининг катта-кичиклиги ва структуравий тузилишга кўп жиҳатда боғлиқдир[1].

Боғ-парклар, одатда, шаҳар ёки шаҳарча мақомини олган туман марказлари худудида жойлашиб, шаҳарча марказидаги бирор нуфузли жамоат биноси (туман ҳокимлиги биноси ёки қишлоқ клуби каби) бинолар ёнидаги ёки алоҳида худуддаги манзарали жойни эгаллайди.

Боғ-парклар, одатда, очиқ ландшафт мухитида ўтказиладиган оммавий маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, наврӯз ва мустақиллик байрамлари, халқ сайллари, болалар ва спорт ўйинлари, аттракционлар ва бошқа оммавий-маданий ва дам олиш функцияларига мўлжалланади.

*Айнан шу мақсадларга мослаб боғ-парк ҳудуди бир нечта функционал зоналарга:* оммайи-маданий тадбирлар ва аттракционалар, спорт, болалар, тинч дам олиш, хўжалик ва бошқа зоналарга бўлинади. Парк худудида сув ҳавзаси (табиий кўл ёки пруд) бўлган ҳолларда ушбу зоналар қаторига акватория зonasи ҳам қўшилади. Бу зоналар бир-бири ва паркнинг бош дарвозаси билан парк хиёбонлари ва сайргоҳ йўллари

орқали боғланади. Ҳар бир зона ўз функциясига мос тарзда парк иншоотлари, иморатлари, қурилмалари, мебеллари ва худуднинг ташқи ободонлаштириш жиҳозлари билан таъминланиши зарур. Бу зоналарни манзаравий ландшафт ечимлари ҳам уларга мос тарзда шакллантирилади. Масалан, паркнинг бош дарвозаси олди ва бош хиёбони яшил партерлар ва қаторлар билан кўкаламзорлаштирилади. Бунинг учун эса, одатда, тўғри геометрик шакллар (конус, устун, пирамидасимон) ёки бошқа манзаравий силуетларга эга доим яшил-игна баргли (хвойли) ва япалоқ баргли дараҳтлар, буталар, лианалар, гуллар ва ер ёпар ўт-ўсимликлардан фойдаланилади. Дарвозага туташ майдонларда партер типидаги клумба гулзорлари, бош хиёбон бўйлаб эса работка ва бордюрлар шакллантирилади.

Парк марказий қисмининг режаси кўпинча мунтазам стилда ечилиб, шунга мос равишда гулзорлар ва хиёбонлар шакллантирилади. Доим яшил буталардан оддий можжевельник ва казацкийларни экиш тавсия этилади. Уларнинг биринчиси пирамидасимон тик шаклга эга бўлса, иккинчиси ер бағирлаб сочилиб ўсади. Бундай гуруҳлар ям-яшил майсазор фонида яна ҳам яхши манзара беради, бироқ казацкий можжевельник ёнида атиргуллар экилса самара янада ошади.

Доим яшил тую западная ўсимлиги ҳам кўп турли ва ўта кўркам, унинг дараҳт шаклидан тортиб, то ер устида шарсимон кўриниш берувчи пастқам бута турларигача мавжуд, унинг хвой ранги эса турли-туман яшил ва сарғич тусларга киради. Майса фонида дараҳт ва гўзал гулловчи буталар экилади. Уларни шундай хиллари танланадики, токи улар турлича гуллаш даврига эга бўлсин. Фарзиция, миндал, киномелес, сперея ВанГутта, сирень, гортензия ва бошқалар шулар жумласидандир.

Гул ўсимликларидан энг манзараги ва узоқ гулловчилар-канн, салвия, пеларгония, алиссум кабилар танланади. Парк марказидаги партер

ва клумбага мавсумий гуллар-баҳорда тюлпанлар, нарцисса, виола, маргариткалар ва бошқалар, кузда эса бир йилликлар экилади.

Парк марказидан узоклашган сари дараҳт ва буталардан тузилган табиий ландшафт тусидаги аралаш ва мураккаб гурухлар композициясини кўпайтириб бориш зарур, уларнинг таркиби кенгайиб уларга дараҳтларнинг маҳаллий турлари ҳам киради (мажнунутол, чинор ва бошқалар). Гулзорларнинг шакли ва турлари ҳам ўзгариб, сони эса камайтирилади. Асосан майса фонига экилган кўп йиллик гуллардан тузилган гурухлар (рудбекия, астра, флокс, ирис) ва буталардан шаклланган гурухлар, миксбордерлар кўлланилади.

Бу ерларда, яъни марказдан четроқ жойларда паркнинг тинч дам олиш зонаси жойлашган бўлиб, юқорида айтилган кўп йилликлардан тузилган гурухлар – ландшафт композициялари парк скамейкалари, пергола, воишлар ёнларига экилади. Бу зонани кўкаламзорлаштирганда очик ва ёпик яшил мухитлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқки, бунинг учун ўтлоқ майсазорлар, пастқам буталар ва соя берувчи дараҳтлар массивини қўллашни тавсия қилиш мумкин[3].

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси.–Т., 2014.
2. Қаюмов А.Ландшафт қурилиши.–Т., 2005.
3. Залесская Л.. Озеленение городов Средней Азии. Академия Архитектуры СССР.–М., 1974.